

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси 2021 йил июнь ойининг 29 куни ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Д.Ражабов

ҳайъат судьялари: Э.Тургунбоев ва Н.Касимовадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Матчановнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиев, судланувчи Ф.А. ва унинг ҳимоячиси “Unified lawyer” адвокатлик бюроси адвокати А.Алимкулов, судланувчи О.З. ва унинг ҳимоячиси “Алишер Мадьяров” адвокатлик бюроси адвокати А.Мадьяров, жабрланувчи Д.С.нинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 2021 йил 29 апрелдаги ҳукмига кўра,

З.О.Т. (Z.O.T.), 1981 йил 1 июнь куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, 1 нафар фарзанди бор, мукаддам судланган:

1) Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2001 йил 18 майдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2001 йил 20 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 август кунги “Амнистия тўғрисида”ги Фармонида асосан жазодан озод этилган;

2) Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2003 йил 6 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “а” банди, 127-моддаси 3-қисми ва 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2008 йил 15 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан 4 йил 11 ой 3 кун жазо муддати иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;



3) Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2010 йил 9 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” банди ва 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

4) Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2010 йил 29 октябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 7 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2013 йил 11 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан 3 йил 7 ой 6 кун жазо муддати иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

5) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2014 йил 23 декабрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” банди ва 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган, 2020 йил 18 апрель куни жазони тўлиқ ўтаб чиққан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддаси талабида судланганлик ҳолати тугалланмаган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 4-микрорайон, 28-уй, 1-хонадонда истиқомат қилувчи, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 2021 йил 23 февраль кунидан қамоқда сақланаётган;

А.Ф.И.ў. (А.Ф.И.о’.), 1994 йил 4 май куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, бўйдоқ, мукаддам судланган:

1) Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2013 йил 26 февралдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 128-моддаси 1-қисми билан



бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан тугатилган;

2) Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2019 йил 24 октябрь кунги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “б” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида 4 йил 8 ой 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан 2 йил синов муддати белгиланган, синов муддати давомида жиноят содир қилган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 4-микрорайон, 28-уй, 1-хонадонда истиқомат қилувчи, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 2021 йил 23 февралдан қамоқда сақланаётганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи О.З. ва унинг адвокати А.Мадьяров ҳамда судланувчи Ф.А. томонидан келтирилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

О.З. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “б” банди ва 168-моддаси 4-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “б” банди билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “б” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 15 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазо махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Ф.А. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга шу модда билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2019 йил 24 октябрь кунги ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилиги бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2019 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 8 йил



1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазо умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.З. ўта хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини кўлга киритиш мақсадида 2021 йил 18 январь куни Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Қуйлиқ-7 даҳаси, 2-уй олдида вояга етмаган, 2006 йилда туғилган А.Б.А.ўдан турмуш ўртоғига кўнғироқ қилиши лозимлигини айтиб, уни алдаб, нархи 1.600.000 сўм бўлган “Realmi C3” русумли уяли алоқа воситасини олган ва Б.Ал.га шу ердаги кўп қаватли уйга кирса, турмуш ўртоғи унга калит ва пул бериб юборишини айтиб, кўп қаватли уйга киритиб юборган. Б.Алибековни унинг гапларига ишониб, кўп қаватли уйга кириб кетганидан фойдаланиб, “Realmi C3” русумли уяли алоқа воситасини фирибгарлик йўли билан эаггалаб, ходиса жойидан яширинган.

Бундан ташқари, О.З. жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўта хавфли рецидивист бўла туриб, жияни Ф.А. ва бошқа шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб, жабрланувчига ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида 2021 йил 19 февраль куни соат 13:00ларда Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Тузель-1 мавзеси, Темирчи кўчасидаги “Sarbast” пиво заводи олдида пиёдалар йўлакчасидан ўтиб кетаётган С.Д.Б.у.га ҳужум қилиб, мушти билан унинг чап томон қулоқ соҳасига ҳамда қорин соҳасига бир неча марта уриб, ўзлари билан олиб келган пичоқ билан кўрқитиб, Д.С. нинг кўлидаги нархи 3.500.000 сўмлик “Samsung A70” русумли уяли алоқа телефонини босқинчилик йўли билан кўлга киритган ва воқеа жойидан яширинганлар.

Адвокат А.Мадьяров апелляция шикоятда, О.З. нинг ҳаракатларида босқинчилик жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақида важлар келтириб, О.З. нинг қилмишини талончилик жиноят аломатларига қайта малакалашни сўраган.

Судланувчи Ф.А. апелляция шикоятда, босқинчилик жиноятини содир этмаганлигини билдириб, ишни қайта кўриб чиқишни ва одилона қарор қабул қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси судья Н.Касимованинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиевнинг туман судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, жабрланувчи Д.С. нинг шикоятларни рад этиш тўғрисидаги, судланувчи О.З. ва унинг адвокати А.Мадьяров, судланувчи Ф.А. ва унинг адвокати А.Алимуловнинг апелляция шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.



Апелляция инстанциясида судланувчи О.З. қуйидагиларни, яъни 2021 йил 19 февраль куни жиянлари Ф.А. , И.А. билан Кўйлик бозори томонга йўл олишганлиги, йўлда Д.С. ни телефонда гаплашиб кетаётганлигини кўриб, ундан телефонини гаплашиб олиш учун беришини сўраганлиги, Д.С. телефонда ўзи гаплашаётганлигини айтганлиги, шу вақтда жияни И.А. Д.С. га ўзидан катта одамни ялинтираётганлигини айтиб, юзига бир марта шапалоқ урганлиги ва урушиб кетишганлиги, лекин унинг ёки жияни И.А. ва Ф.А. ларнинг қўлида пичоқ бўлмаганлиги, Д.С. ни телефонидан гаплашиб олиш учун сўраганлиги ва у телефонини бермаганлиги учун у билан тортишиб қолишганлиги, лекин қўлида пичоқ бўлмаганлиги, босқинчилик жиноятини содир этганликда асосиз судланганлигини билдириб, ишни тўлиқ, ҳар томонлама текшириб чиқишни ва қилмишини талончилик жиноят аломатларига қайта малакалашни сўради.

Апелляция инстанциясида судланувчи Ф.А. қуйидагиларни, яъни тоғаси О.З. телефон қилиб олмоқчи бўлиб пиёдалар йўлакчасидан ўтиб кетаётган Д.С. дан телефонини бериб туришини сўраганлиги, шунда Д.С. телефонда ўзи гаплашаётганлигини айтиб телефонни беришни рад этганлиги, кейин тоғаси О.З. жабрланувчи Д.С. дан телефонини тортиб олганлиги, Д.С. эса улар билан тортишиб кетганлиги, ўша вақтда уларни олдига икки нафар йигитлар югуриб келиб қолишганлиги, уларни югуриб келаётганлигини кўриб, укаси И.А. ҳам автомашинадан тушиб, Д.С. ни юзига бир марта шапалоқ уриб, уларга кетишини айтганлиги, кейин улар урушмаслигини айтиб, ортига қайтиб кетишганлиги, ўша куни Д.С. телефонини бермаганлиги учун у билан тортишиб қолишганлиги ва телефонини олиб қўйишганлиги, аммо босқинчилик жиноятини содир этишмаганлигини билдириб, ишни қайта текшириб чиқишни ва адолатли қарор қабул қилишни сўради.

Апелляция инстанциясида жабрланувчи Д.С. қуйидагиларни, яъни 2021 йил 19 февраль куни ўқишга кетаётганида ортидан шахси унга кейинчалик маълум бўлган О.З. ва Ф.А. лар уни тўхтатганлиги, улардан бири телефонини гаплашиш учун сўраганида, унга ўзи ҳам таниши билан гаплашаётганлигини, шу сабабли бериб тура олмаслигини билдирганлиги, шунда Ф.А. унинг билагидан қаттиқ ушлаб олганлиги, сўнг А.З. унинг қўлидаги телефонини тортиб олганлиги, улардан телефонини қайтариб беришини сўраганида, қайтариб бермаслигини айтишганлиги, шундан сўнг Ф.А. га қайтариб беришини сўраб турган пайтда, у қўли билан юзига мушт урганлиги, шу вақтда университетдаги курсдошлари Р.Е. ва Ш.Жлар югуриб келишганлиги, улар ўзаро тортишиб қолишганлиги, шунда Ф.А. ўзида бўлган пичоқни олиб, курсдошлари Р.Е. ва Ш.Ж.га ўқталиб кетишини сўраганлиги, курсдоши Ш.Жанабаев улар билан гаплашмоқчи бўлганида, у Ш.Ж.ни ўзига тортиб олганлиги, шу орада уларнинг қолган шериги И.А. бирдан пайдо бўлиб, мушти билан қорин қисмига урганлиги, шундан сўнг курсдошлари билан бирга воқеа жойидан кетишганлиги, улар эса қора рангли SPARK русумли автомашинага ўтиришганлиги, воқеа куни



улар телефонини тортиб олиб қўйган вақтда пичоқ бўлмаганлиги, телефони судланувчиларда бўлганлиги, улар тортишиб кетишганлиги учун курсдош дўстлари югуриб келиб, ажратмоқчи бўлганлиги ва яна тортишиб кетишганлиги, шунда Ф.А. пичоқ кўрсатганлиги, шу сабабли улар воқеа жойидан кетишганлигини баён қилди.

Апелляция инстанциясида гувоҳ Р.Е. қуйидагиларни яъни, 2021 йил 19 февраль таниши Ш.Ж. билан тушлик қилиб ўқишга қайтиб келаётган вақтда, курсдоши Д.С. уларнинг орқасидан телефонда гаплашиб келаётиб, орқада қолиб кетганлиги, у Ш.Ж. билан гаплашиб ўқишга кираётган вақтда орқада қолиб кетган Д.С. га қараганида, у иккита нотаниш шахс билан турганлигини кўриб, таниши билан гаплашаётган бўлса керак деб, уни ўқишга кирмасдан кутиб туришганлиги, шу орада ушбу шахслардан бири яъни, О.З. Д.С. нинг телефонини олиб, қўлида унга қарата кўрсатганлигини, Д.С. ни олдида бўлган шериги кейинчалик маълум бўлишича Ф.А. бирдан Д.С.нинг юз қисмига урганлигини кўрганлиги, шунда уларнинг олдида Ш.Ж. билан югуриб бориб, ажратмоқчи бўлишганлиги ва ўзаро тортишиб кетишганлиги, шу орада Ф.А. уларга пичоқ кўрсатганлиги, шу сабабли Ш.Ж.га пичоқ тегиб кетмасин деб Д.С. ва Ш.Ж.ни тортиб олганлиги, бирдан учинчи йигит келиб қолиб Д.С. нинг қорнига урганлиги, шундан сўнг ҳаммалари воқеа жойидан кетиб қолишганлигини баён қилди.

Апелляция инстанциясида гувоҳ Ш.Ж. ҳам гувоҳ Р.Е.га ўхшаш кўрсатувлар берди.

Судланувчи О.З. ва Ф.А. нинг жиноятни содир этганликдаги айби, жабрланувчиларнинг аризаси, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, юзлаштириш, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа асосли далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан О.З. нинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “б” банди билан, Ф.А. нинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан нотўғри квалификация қилинган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган ҳаракатлар ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилиши назарда тутилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, жабрланувчи Д.С. нинг телефон аппаратини айнан эгаллаш вақтида О.З. ва Ф.А. томонидан жабрланувчи Д.С. га унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик, реал ҳужум ишлатилмаган. Воқеа куни О.З. ва Ф.А. олдиндан тил бириктириб, жабрланувчини билагидан қаттиқ ушлаган ҳолда О.З. унинг қўлидаги телефон аппаратини тортиб олган. Жабрланувчи Д.С. улардан телефонини қайтариб беришини сўраб



тортишиб турган пайтда, Ф.А. унинг юз қисмига урган. Шу вақтда Р.Е. ва Ш.Ж. таниши С.Сержановнинг олдига келишиб, уларни ажратмоқчи бўлган ва судланувчилар билан тортишиб қолишган. Шундан сўнг Ф.А. ўзида бўлган пичоқни олиб, Д.С. , Р.Е. ва Ш.Ж.га ўқталиб уларга кетишларини сўраган. Сўнг Д.С. танишлари Р.Е. ва Ш.Ж. билан воқеа жойидан кетишган.

Бундан кўринадик, О.З. ва Ф.А. томонидан Д.С. нинг телефон аппарати эгаллаб олинаётган вақтда жабрланувчи Д.С. нинг ҳаёти ва соғлиғига хавфли бўлган зўрлик ишлатилмаган. Бундай зўрлик ёки зиён етказилиши учун реал хавф вужудга келмаган. Гарчанд, воқеа куни Д.С. ва унинг танишлари Р.Е. , Ш.Ж.га пичоқ кўрсатилган бўлса-да, мазкур ҳолат уларнинг ўзаро оғзаки тортишувлар натижасида қутулиш мақсадида содир этилган ҳаракати ҳисобланиб, объекти бевосита мулкни эгаллаб олишга қаратилмаган. Бинобарин, мулк пичоқ кўрсатилгунга қадар О.З. ва Ф.А. ларнинг ихтиёрида бўлган.

Ишнинг бундай ҳолатида ҳукмнинг О.З. ва Ф.А. ларни жабрланувчи Д.С. га нисбатан содир этилган эпизод бўйича босқинчилик жиноят аломатлари билан айблаш қисмини адолатли деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори 6-бандида, ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавфни вужудга келтирувчи ҳолат тушунилиши, соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда эса, жабрланувчига соғлигининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳатини етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракатлар (чаккага, қуёш ўрилмасига уриш ва б.қ.) тушунилиши назарда тутилган.

Мазкур Пленум қарорининг 2-банди иккинчи хатбошида, зўрлик ишлатиш ҳаракатлари айбдор томонидан ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиши тугагандан кейин қўлга тушишдан қутулиш мақсадида содир этилган бўлса, бундай ҳаракат талончилик ёки босқинчилик деб қаралмаслиги, зўрлик ишлатишнинг хусусияти ва келиб чиққан оқибатларга қараб қилмишни ўғирлик деб, бошқа жиноятларнинг белгилари бўлганда жиноятлар мажмуи бўйича тавсифлаш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бундан келиб чиқиб, зўрлик ишлатиш ҳаракатлари айбдор томонидан ўзганинг мулкни очикдан очик равишда талон-торож қилиши тугагандан кейин қўлга тушишдан қутулиш мақсадида содир этилган бўлса, бундай ҳаракат босқинчилик эмас балки талончилик деб қаралади.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, О.З. нинг жабрланувчи Д.С. га нисбатан содир этган ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “б” бандидан, ЖКнинг 166-моддаси 4-қисми “б” бандига, талончилик, яъни ўта хавфли рецидивист бўла туриб, бир гуруҳда олдиндан тил бириктириб, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиб, ҳаёт ва



соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш жиноят аломатларига, шунингдек, судланувчи Ф.А. нинг мазкур эпизод бўйича ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “а,б” бандидан, ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” бандига, талончилик, яъни хавфли рецидивист бўла туриб, бир гуруҳда олдиндан тил бириктириб, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиб, ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш жиноят аломатларига қайта квалификация қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда жазо тайинлашни лозим топади.

Апелляция инстанцияси О.З. га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 4-қисми “б” банди билан модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “б” банди билан тайинланган жазони аслича қолдиришни ва ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшишни лозим топади.

Апелляция инстанцияси Ф.А. га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” банди билан модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг 2019 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра тайинланган жазосининг ўталмаган қисмини қисман қўшишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶, 497³⁰, 497³¹-моддаларига мувофиқ, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 2021 йил 29 апрелдаги З.О.Т. ва А.Ф.И.ў.га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

З.О.Т.нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “б” бандидан, ЖКнинг 166-моддаси 4-қисми “б” бандига қайта квалификация қилинсин.

З.О.Т.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 4-қисми “б” банди билан 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

З.О.Т.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “б” банди билан тайинланган жазо аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан О.З. га узил-кесил 10 (ўн) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

А.Ф.И.ў.нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми “а,б” бандларидан, ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” бандига қайта квалификация қилинсин.

А.Ф.И.ў. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми



“а” банди билан 6 (олти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан Ф.А. га жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг 2019 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 6 (олти) йил 1 (бир) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоятлари қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Д.Ражабов

Ҳайъат судьялари:

(имзо)

Э.Тургунбоев

(имзо)

Н.Касимова

Ажрим нусхаси аслига тўғри

